

94. ТЕХНИК – ФОЙДАЛАНИШ ВА ХЎЖАЛИК БЎЛИМИ ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИ МУДИРИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Талабалар турар жойлари фаолияти ва ходимлар меҳнатини ташкил қилиш;
- Талабалар турар жойлари бино-иншоотлари ва худудларида ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини ташкил қилиш ҳамда доимо озода, саранжом-саришта сақланишини таъминлаш;
- Талабалар турар жойларига янги кирувчи талабаларни ички ишлар органлари орқали белгиланган тартибда вақтинчалик рўйхатдан ўтказишни ташкил қилиш;
- Талабалар турар жойларига янги кирувчи талабаларни рўйхатдан ўтказиш, хона, юмшок ва каттик мебеллар билан таъминланишини назорат қилиш;
- Ўқув йили охирида талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талабаларни рўйхатдан чиқариш ва хоналарни қабул қилиб олишни ташкил қилиш;
- Талабалар турар жойларида санитария-гигиена, ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидаларига мунтазам риоя қилинишини таъминлаш;
- Талабалар турар жойларидаги ошхоналар, хожатхоналар, ювиниш хоналари, кир ювиш хонаси ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини доимий фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- Талабалар турар жойлари яшаш хоналаридаги Филиал мол-мулклари ҳамда талабаларнинг шахсий мол-мулкларини сақланишини таъминлаш, талабаларга тегишли шахсий кимматбаҳо буюмлар, компьютер воситалари бундан мустасно;
- Талабалар турар жойлари бино-иншоотлари, хоналари ва маиший объектларини жорий таъмирланишини ташкил қилиш;
- Талабалар турар жойлари худудига тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар кўриш, коровуллар фаолиятини назорат қилиш;
- Талабалар турар жойлари худудига бегона шахс ва транспорт воситаларини киришига йўл қўймаслик чораларини кўриш;
- Талабалар турар жойларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ва иссиқлик ва электр энергияси тизимларини узлуксиз ишлашини назорат қилиш;
- Талабалар турар жойларида хавфсизликни таъминлаш юзасидан ички ишлар органлари билан ҳамкорликни амалга ошириш;
- Филиал Кенгаши ва директор хузуридаги йиғилишларда талабалар турар жойларида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тақдим этиб бориш;
- Ахборот коммуникация технологияларни пухта билиш;
- Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

Билиши керак:

Хўжаликни юритишга тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидаларини билиши.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
819	Талабалар турар жойи мудир	1228	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра